



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 129 (9.932)

2003 йил 3 июль

ПОЙТАХТНИНГ Бир кунни

Янгиликлар, воқеалар

ҚИСҚА Сўзлар

□ **БУГУН** Бектемир туманидаги «Зилола» маҳалласида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг туман бўлими кенгаши ташаббуси билан Оммавий кўчма спорт ўйинлари мусобақаси ўтказилди.

□ **КЕЧА** «ЭКОСАН» халқаро жамғармасида Обод маҳалла йили муносабати билан қабул қилинган «ЭКОСАН—маҳаллада» мақсадли дастурининг биринчи ярим йилликда жорий этилиши масаласи ҳамда Оролбўйи минтақаси аҳолисига бегараз ёрдам кўрсатиш мақсадида 19 июль кун «ЭКОСАН» саломатлик поездининг жўнаб кетишига бағишланган жамғарма фаоллари йиғилиши бўлиб ўтди.

□ **ШАҲАР** кўчаларининг кўрсаткичлари ҳамда биноларнинг тартиб рақамларини тартибга келтириш концепциясини амалга таътиқ этиш мақсадида Тошкент шаҳар ҳокимиятининг «Намунали кўча кўрсаткичлари ҳамда биноларнинг тартиб рақамлари тўғрисида» қарори қабул қилинди.

□ **СЕРГЕЛИ** туманида жойлашган «Ёшлик» маҳалла гузаридида Обод маҳалла йилига бағишланган спортнинг оммавий ва миллий турлари бўйича мусобақаларнинг худудий босқичи бўлиб ўтди.

□ **ШАХРИМИЗДАГИ** Абдулла Қодирий номли маданият ва истироҳат боғини қайта қуриш ҳамда кенгайтириш ишлари қизғин давом этмоқда. Ҳозирда мазкур боғ худудининг 900 квадрат метрига планетарий мажмуи қуриб битказилди.

□ **АКМАЛ** Икромов туманида «Билал» спорт клуби ташаббуси билан ёш каратэчилар иштирокида турнир уюштирилди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

Тошкент шаҳар ҳокимлигида

Тошкент шаҳар ҳокимининг қарорига мувофиқ Усмонов Раҳмонбек Жаҳонгирович Тошкент шаҳар Яққасарой тумани ҳокими этиб тайинланди.

Шаҳримизда фаолият кўрсатаётган «Орзу-ош тузи» шўъба корхонасида ички бозорни сифатли ва рақобатбардош маҳсулот билан таъминлашга асосий эътибор қаратилган.

СУРАТДА: кадоқловчи Ғилой Жўраева ўз вазифини сидқидилдан бажариб, маҳсулотнинг бугунги харидор талаби асосида кадоқланишига муҳим ҳисса қўшмоқда.

Ҳакимжон Солиҳов олган сурат.



Халқаро анжуман

Теурийлар тарихи давлат музейида «Марказий Осиё: цивилизациянинг тараққиёт йўллари» мавзусидаги халқаро илмий анжуман бошланди. Уни Марказий Осиё тадқиқотлари халқаро уюшмаси, Ўзбекистон Фанлар академияси Тарих институти, Осиё маданияти ва тараққиёти институти /IACD/ ҳамкорликда ташкил этди.


Марказий Осиёда маданият, санъат, илм-фан, иқтисодиёт, ишлаб чиқариш ва бошқа жабҳалар қадимдан ривожланиб келган. Мазкур минтақада кечган тараққиётда халқимизнинг улкан ўрни бор. Республикаимиз худудидида олиб борилган археологик тадқиқотлар, тарихчи олимларнинг изланишлари натижаси бунини яққол исботлайди.

Бугунги кунда мамлакатимизда тарихимизни ҳолисона ўрганиш ва уни кенг оммага етказишга жиддий эътибор қаратилмоқда. Барча жабҳаларда бўлганидек, илм-фан соҳасида ҳам кўзланган натижага эри-

шишда халқаро ҳамкорлик яхши самара берапти.

Икки кун давом этадиган мазкур халқаро анжуманда юртимизда фаолият юритаётган тарихчи, шарқшунос, санъатшунослар Корея Республикаси, Япония, АҚШ, Германия каби мамлакатлардан келган олимлар билан Ўзбекистонда тарих фанининг ривожланиш истиқболлари ва муаммолари, Марказий Осиёда илк цивилизация тараққиёти, мамлакатимизда давлатчиликнинг шаклланишида маданият ва санъатнинг ўрни сингари мавзуларда фикрлашди.

Ў.А



Тошкентим — боғу бўстоним

Абдувоҳид ҚАРИМОВ,
давлат манзарали боғдорчилик ва гулчилик
ҳўжалиги бош зироатчиси:

—Шаҳарнинг яшил бойликлари орасида гулзорлар алоҳида ўрин тутади. Гулзорларнинг шакли ва мазмуни турлича бўлади. Масалан, мемориал мажмуалар, музей, театр, маданият саройлари олдида очик композиция шаклидаги гулзорлар талаб этилади, уларнинг асосини эса майсазорлар, яъни сунъий йўл билан ўстириладиган ўтли майдонлар ташкил қилади.

Илгарилари шаҳримизнинг кўкаламзорлаштириш тажрибасида бу усул деярли қўлланилмаган. Ёдингизда бўлса, ўтган асрнинг 70-йилларида асосан хонадон олди худудларида беда ёки арпа ўсимликларидан иборат майсазорлар ташкил этиларди. Икки-уч йил ўтган беда ўсган жой ўрнига мевали дарахтлар ва экинлар экилиб, улар тез орада ривожланган, мўл ҳосил берган.

Ўзал манзара сифатида майсазорлар яратиш борасида мутахассислар томонидан дастлаб Ўзбекистон шароитида сифатли майсазор етиштириш имконияти йўқ деган фикр юритилган эди. Бунинг сабабини улар иқлим орқали изоҳлашган.

(Давоми 3-бетда)

ХУИ сағоси

Барча маълумотларни
олинган сўнги хабарлар

Мамлакатимизда

• Ўзбекистон Ёш олимлари миллий жамияти негизда ёш тадқиқотчиларни компьютер саводхонлиги ва Интернет тизимида ишлашга бепул ўқитиш бўйича Интернет ўқув маркази ташкил этилди.

• Республика тил ўрганиш марказида инглиз тили ўқитувчиларининг малака ошириш курсларида машгулотлар бошланди.

• Бундан уч ой муқаддам Ҳазорасп туманида пахтадан йиғирилган ип ишлаб чиқариш бўйича ўз фаолиятини бошлаган «Унихо» Ўзбекистон-Германия қўшма корхонаси ўз маҳсулотини экспорт қила бошлади. Туркия ва Россия тўқимачилари қўшма корхонанинг хориждаги дастлабки мижозлари бўлишди.

• Бухоро вилояти ҳокимлиги «Ўзбекнефтегаз» миллий холдинг компанияси билан биргаликда Газли шаҳри ижтимоий-иқтисодий инфратузилмасини тубдан яхшилаш бўйича чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқди. Унга қўша табиий газни элтиш бўйича қудратли станция барпо этилади, янги газ конлари ўзлаштирилади, шунингдек, машиий хизмат, халқ таълими, соғлиқни сақлаш иншоотлари қурилади.

• Олмаликдаги «Аммофос» очик акционерлик жамиятида янги кадоқлаш линияси ўрнатилди. Унинг ёрдамида бир оғда 100 тонна аммафос минерал ўғитини кадоқлаш мумкин.

• Когон ва Қонимех тумани галлазорлари давлатга дон сотиш шартнома режасини бажардилар.

Жаҳонда

• «Йўл харитаси» тинчлик режасининг биринчи босқичида дастлабки муваффақиятлар юзага келмоқда. Жумладан, Исроил, Фаластин, жаҳон ҳамжамияти вакиллари ўртасида олиб борилган музокаралар натижасида, Иордан дарёсининг Фарбий соҳилидаги хавфсизлик назоратини Фаластин қўл остига ўтказиш жараёни амалга оширилмоқда.

• Руминияда ёшлар ўртасида бокс бўйича ўтказилган жаҳон чемпионатидан спортчиларимиз катта муваффақиятлар билан қайтишди. Жумладан, И.Раҳимов олтин нишонни қўлга киритган бўлса Э.Турсунов кумуш, яна тўрт нафар боксчимиз жаҳон чемпионатининг бронза медаллари билан тақдирланди.

• Козогистон 2012 йилга қадар Хитой, Туркия ва Эрон йўналишида бир нечта нефть қувурларини бунёд этишни режалаштирган.

• АҚШ Марказий разведка бошқармасининг маълумотларига қўра, Шимолий Корея Йонгдоктонг туманида янги ядровий полигон қурган.

Иқтисодиёт

ТУРЛАРИ ОРТМОҚДА

Бугунги харидорнинг диди баланд. Албатта у ярашган, чиройли, сифатли ва арзонини танлаб, товарларни харид қилади.

Бозор ва харидор талабидан келиб чиқиб меҳнат қилаётган Чилонзор туманидаги «Трикотажкор» масъулияти чекланган жамиятида сифатга алоҳида эътибор қаратилаётгани кувонаридир. Чунки, тадбиркорлар сифатли маҳсулотнинг бозори чақонлигини ўз иш тажрибаларидан яхши билишади.

— Бизнинг ўз олдимизга кўйган асосий мақсадимиз болалар ва ўсмирлар учун устки трикотажа кийимларининг талаблар даражасидаги турларини ишлаб чиқаришдир, — дейди корхона директори Владимир Меснякин. — Шу боисдан ҳам маҳсулотнинг янги турларини ишлаб чиқаришга ҳаракат қилаялмиз. Бунинг учун барча имкониятлардан оқилона фойдаланаялмиз. Цехларимиз Япониядан келтирилган ускуналар билан жиҳозланган бўлиб, уларни 40 нафардан зиёд малакали чеварларимиз бошқаришади.

Иил охиригача трикотажчилар бир неча янги маҳсулот турларини ишлаб чиқаришга аҳд қилишган.

95 ФОИЗ ЭКСПОРТГА

Бугунги кунда юртимизда тайёрланаётган рақобатбардош маҳсулотларнинг «Ўзбекистонда тайёрланган» тамгаси билан хорижий давлатларга экспорт қилинаётгани ҳақорда эҳсонидан ўз ўрнини топаётганимиздан даракдир.

Пойтахтимизда 1999 йилда иш бошлаган Жанубий Кореянинг таниқли «Кобул текстайл» компанияси билан ҳамкорликда ташкил этилган «Кобул-Ўзбек Со» кўшма корхонасида ишлаб чиқарилаётган ип калава ҳамда сифатли матолар ҳам 100 дан зиёд хориж давлатларига етказиб берилмоқда.

Бугунга келиб корхона маҳсулотларининг турлари ортиб бормоқда. Албатта, бу ҳақорда андозалари даражасидаги маҳсулотлар харидор талабидан келиб чиқиб тайёрланмоқда. Энг кувонарлиси эса маҳаллий хом ашё — пахтадан тайёрланган ана шундай рақобатбардош маҳсулотлар хорижий замонавий, юксак унумли тўқимачилик дастгоҳларини моҳирлик билан бошқараётган маҳаллий ёшлар томонидан ишлаб чиқарилмоқда.

Корхона мутахассислари ҳар йилгидек жорий йилда ҳам янги маҳсулот турларини яратиб, экспорт ҳажминини ошириш нијатида. Ҳозирда эса тайёрланаётган маҳсулотнинг 95 фоиздан зиёди четга экспорт қилинмоқда.

ЗАВҚ БАҒИШЛАЙДИ

Пойтахтимиздаги «Сопол буюмлар» кичик корхонасида илгор технологиялардан фойдаланиб тайёрланаётган хилма-хил сопол ва чинни буюмлар нафақат ҳамшаҳарларимиз, балки хорижий сайёҳларнинг ҳам эътиборини қозонмоқда.

Жамоада хунармандчиликнинг сир-асорларини мукамал эгаллаган, маҳоратларини ҳар бир тайёрланаётган буюмда тўла акс эттира оладиган усталар меҳнат қилишади. Шу боис бўлса керак, харидорлар талаби, бозор шароити тўла ўрганилиб, маҳсулот турларини ранг-баранг қилишга аҳамият берилади. Хунармандлар изланишлари эвазига тайёрланаётган чинни ва сопол буюмлар бугунга келиб 120 хилдан ҳам ортиб кетди.

Корхона тадбиркорлари жорий йилда буюртмачи талабидан келиб чиқиб, маҳсулотнинг бозоригир турларини яратишга интилишмоқда. Яқин келгусида эса корхона цехларини янги ускуналар билан жиҳозлаш ҳам режаланган.

Дилноза ФИЁСОВА

• АНЖУМАНЛАР

ГЕРБИМИЗ — ФАХРИМИЗ

Давлат герби — мамлакат фуқаролари учун муқаддас ҳисобланади. Унда юрт фарзанди бўлган ҳар бир инсоннинг фахри-ғурури, ор-номуси, иймон-этикоди, тарихи, бугуни ва эртасининг тимсоли муҳасамланган.

Шунинг учун ҳам дунёдаги барча халқлар давлат рамзлари қабул қилинган кунни катта байрам сифатида нишонлайдилар. Жумладан, кеча Республика «Маънавият ва маърифат» Кенгашида Ўзбекистон Республикаси Давлат герби қабул қилинган кунга бағишланган «Гербимиз — фахримиз» деб номланган маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.

— Давлатчилигимиз тарихининг қайси бир даврини олиб қарамайлик, давлат рамзлари Ватан тимсоллари сифатида ҳамisha азиз ва муқаддас саналган, — деди тадбирни очар экан Республика «Маънавият ва маърифат» Кенгашининг масъул котиби, филология

фанлари номзоди Қуддус Аъзамов. — Рамзлар ва тимсоллар халқнинг тарихи, руҳияти, анъаналари билан чамбарчас боғлиқдир. Шу юрт фарзанди бўлган ҳар бир фуқаро Ўзбекистон Республикасининг Давлат гербини ҳурмат қилиши лозим.

Шунингдек, тадбирда сўзга чиққан Олий Мажлиснинг Фан, таълим, маданият ва спорт қўмитаси раиси, сиёсатшунослик фанлари доктори Нарзулла Жўраев «Гербимиз — мустақиллик рамзидир», Республика «Маънавият ва маърифат» маркази раҳбари ўринбосари, филология фанлари номзоди Султонмурод Олимов «Гербимиз — фахримиз», Республика «Маънави-

ят ва маърифат» маркази Тошкент шаҳар бўлимининг раҳбари, фалсафа фанлари номзоди Сарвар Абдуллаев «Давлатимиз рамзлари — муқаддас» мавзуларида фикр юритдилар.

Ушбу тадбирда иштирок этган туман «Маънавият ва маърифат» маркази раислари, маҳаллалар оқсоқоллари, хотин-қизлар комиссиялари раислари, маҳалла фалоллари байроғимиз, гербимиз ва мадҳиямиз — давлатимиз рамзларининг муқаддаслиги ҳақидаги фикр-мулоҳазалардан катта маънавий озиқ олдилар ва ўзларини тўлқинлантирган ўй-фикрлар билан ўртоқлашдилар.

Шоира МУҲАМЕДОВА

• «БАНДЛИК» ДАСТУРИ



Мактабларда битирув имтиҳонларидан кейин дарҳол ёшларимиз олий ўқув юртиларга кириш учун тест сновларига тайёргарликни бошлайдилар. Албатта, айримлар талабалар сафидан ўрин олсалар, бошқалар эса ишлаб чиқариш корхоналарида ўз фаолиятларини бошлайдилар. Айнан шундай чоғда туманлардаги меҳнат бўлимларининг ходимлари ёшларга кўмак қўлини чўзадилар.

ЁШЛАРГА КЕНГ ЙЎЛ

Миробод тумани меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий ҳимоя қилиш бўлими ходимлари ҳам бунга олдиндан пухта тайёргарлик кўриб қўйганлар.

— Бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас, — дейди туман меҳнат бўлимининг раҳбари Баҳодир Хусниддинхўжаев. — Зеро айни чоғда мактаб, коллеж ёки олий ўқув юрти битирувчиларига алоҳида эътибор қаратиш лозим. Биз ҳозирда ҳар бир шундай «мижоз»ни эътиборга олиб қўйибмиз. Шу вақтга қадар эса иш ўринлари борасида тумандаги бир қатор корхоналар билан махсус шартномалар тузиб қўйдик. Ишимиз кўп бўлса-да, маҳалла кўмиталари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, тумандаги ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари, халқ таълими бўлими ва бошқалар билан самарали ҳамкорлик ўрнатилган.

Дарҳақиқат, меҳнат бўлими томонидан Миробод туманидаги барча ўқув муассасаларининг битирувчилари учун махсус маълумотлар ярмарканинг ташкил этилиши ҳам юқоридаги фикрлар далилидир. Ярмаркада 2 мингдан ортиқ битирувчилар учун ўз вақансиялари ва буюш ўринларини туман ҳуду-

дида жойлашган 35 та корхона, жумладан, «Тонг», «Фотон», «Ўзэлектрораппарат», «Каноп» акционерлик жамиятлари каби йирик корхоналар таклиф этди. Ўқув марказининг вакиллари ҳам шу ерда жойлашиб, 35 та мутахассисликлар бўйича буюртмалар қабул қилишди. Мазкур тадбир давомида ўтказилган йиғилишда эндигина «катта» ҳаётга қадам қўяётган ёшлар меҳнат бўлими, прокуратура, турли ташкилот ва идоралар вакилларида ишга жойлашиб бўйича ўзларини қизиқтираётган барча саволларга жавоблар олишди. Туман меҳнат аҳлини иш билан таъминлаш ва ижтимоий ҳимоя қилиш бўлими раҳбари билан суҳбат чоғида эса битирувчиларга гамхўрлик фақатгина уларни ишга жойлаштириш билан тугамаслиги маълум бўлди. Гап шундаки, мирободликлар икки йил давомида ёшларнинг корхона ва ташкилотларга мустақам ўрнашишлари юзасидан мониторинг ўтказишди, уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишда, юзага келаётган муаммолар бўйича зарур маслаҳатлар беришади.

— Ёшлар билан фақат шундай тарзда ишлаймиз керак, — сўзида давом этади Баҳодир Хусниддинхўжаев. — Зеро, ёшларимиз ўқишни ва ишлашни хоҳлашади ва шунга интилишади. Энг муҳими ҳам шу. Бизнинг вазифамиз эса — уларга кўмаклашиш, улар олдида иложи борича кўпроқ даражада касбларни танлаш юзасидан кенг имкониятлар очиш. Ана шунда, ўйламанки, ёшлар ўз касбларини тўғри танлайдилар.

(Ўз мухбиримиз)

СУРАТЛАРДА: Миробод туманида ўтказилган ярмарка чоғида барча ёшларга керакли маслаҳатлар берилди.

Тоҳир Нигматуллин олган суратлар.

• ХАБАРИНГИЗ БОРМИ?

Муҳим воқеага бағишланди

Бундан беш йил аввал Ўзбекистон Республикаси давлат байроғи коинотга олиб чиқилган эди. Бундай фазрли вазифани ўзбек фазоғири Солиҳон Шарипов «Мир» космик станцияси парвози чоғида адо этди.

Шу муносабат билан янги китобча босмага тайёрланиб, кўп нусхада чоп этилди. Унда ушбу фазоий парвоз билан боғлиқ қатор қизиқарли маълумотлар ёритилган.

Мазкур нашр Россия Федерацияси Ташки ишлар вазирлиги ҳузуридagi «Росхормарказ»нинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси савъ-ҳаракати билан юзага келди. Уни босмага тайёрлашда марказ Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган халқаро аэрокосмик жамғармаси билан ҳамкорлик қилган.

Аҳмад АББОСОВ

• ТРАНСПОРТ


«Мерседес-Бенц» ҳайдовчилари ўқуви

Германиядан олиб келинган «Мерседес-Бенц» автобуслари хизмат муддатини узайтириш уларни тўб таъмирлаш жараёнлари билан боғлиқ техникавий тадбирлар яхши натижалар бермоқда. «Тошшаҳарйўловчиранс» Давлат уюшмасига қарашли 8-автобус саройида меҳнатни муҳофаза қилиш ва техника хавфсизлиги ўқув маркази эса ана шу русумли транспорт воситаси ҳайдовчилари учун маҳорат ва малака ошириш жойига айланиб қолди.

Бу ерда меҳнат хавфсизлиги тизимига доир ўқув адабиётлари асосида уштираётган машғуллотлар мутахассислар томонидан олиб берилмоқда. «Мерседес-Бенц» «умри»ни узайтириш ва тўб таъмирлаш ишларини амалга оширишга доир машғуллотларда янги чоп этилган кўлланмалардан фойдаланилмоқда.

Автобус саройи муҳандис ва техник ходимлари изланиши билан яна бир ўқув адабиёти юзага келди. У саройига янги ишга олиниб, «Мерседес-Бенц» автобусларини бошқариш учун тайёрланаётган ёш ҳайдовчиларга мўлжалланди.

Ақбар АЛИЕВ



Тошкентим — боғу бўстоним

(Давоми. Боши 1-бетда)

Тан олиш керак, ҳақиқатан минтақамиз иқлими қуруқ ва иссиқ бўлгани боис доимий кўкаламзор мувозанатни сақлаб туриш осон эмасди. Айни пайтда, агарда атрофга назар ташлайдиган бўлсак, бундай тизимни яратишга ва татиқ этишга бутунлай эришилди десак муболага бўлмайди, шу жумладан мунтазам яшил майсазорлар парваришда ҳам шундай натижаларга эришдик. Бу йўналишда Европа давлатларида кенг тарқалган райграс майсаси устида олиб борилган излашлар яхши натижалар берди.

Райграс асосан куз ва баҳор мавсумларида уруғидан етиштирилади. Кейинги пайтларда эса бундай майсазорларнинг ёзнинг жарима кунларида ҳам экилаётганини кузатиш мумкин, айниқса янги қурилаётган иншоотлар атрофи ободончилигида бу ўсимликдан фойдаланиш кенг авж олмоқда.

Юқориди айтиб ўтилганидек, аввал сунъий равишда сифатли, яъни қуюқ райграс яшил майдонини ташкил қилиш мушкул, бу «хорижлик» ўсимликнинг уруғлари куйиб чиқмай қолиши мумкин деган мутахассислар кейинчалик бу соҳани чуқур ўргандилар ва уларнинг ҳаракатлари зоё кетмади.

Манзарали боғдорчилик ва гулчилик ҳўжалигида бу борада райграс майсазорини аввал иссиқхона


шароитида ундириб олиш технологияси яратилди. Полиэтилен плёнка устига бир қатор тупроқ тортилиб, унга райграс уруғи сепилади ва мунтазам суғорилади. Бир қарашда, бу усул унчалик қийин кўринмаслиги мумкин, бироқ ўзига яраша машаққатлари, ҳаттоки ўзига яраша сирлари ҳам йўқ эмас. Райграс уруғи бир ҳафта даврида унчи чиқади. Лекин майсалар икки ой давомида аста-аста уриб турил-

да майсалар илдиз отиб кетади. Ҳар ҳафта-ўн кунда бир мартаба ўт ўрилиб турилиши керак, акс ҳолда кутилган натижага эришилмайди.

Райграс хусусида батафсил тўхталиб ўтадиган бўлсак, ушбу ўсимлик уруғлари Голландиядан келтирилади. Унинг асосида 1995 йиллардан буён юқори сифатли майсазор ташкил қилишга эришилди ва ҳозирда райграс кўчатлари талаб жуда юқори. Манзарали боғдорчилик ва гулчилик ҳўжалигида дастлаб 3,3 минг квадрат метргача райграс майсалари етиштирилган бўлса, 2000 йилда бу кўрсаткични йигирма баравар оширишга эришилди. Айтиб ўтиш лозим, райграс уруғи четдан келтирилгани боис унинг нағзи бироз қимматроқ ва ҳозирги кунда ҳўжалигимизда бу ўсимликни етиштириш таннархини пасайтириш юзасидан ўрганишлар давом этмоқда.

Дарвоқе, шаҳар хонадонлари ва дала ҳовлиларида ҳам кейинги йилларда райграс майдонларини яратишга эҳтиёж ортиб бормоқда. Фурсаддан фойдаланиб, бу борада агарда қизиқувчилар бўлса, фақат манзарали боғдорчилик ва гулчилик ҳўжалиги мутахассислари технологияси асосида етиштирилган райграсдан фойдаланишни тавсия қилган бўлардик. Бунинг учун бевосита ҳўжаликка мурожаат қилиш ёки 77-45-82; 77-44-23 телефонлари орқали ўзингизни қизиқтирган маълумотни олишингиз ҳам мумкин.

РАЙГРАС — ЯШИЛ МАНЗАРА ДЕГАНИ



гандан сўнг яшил гилам ҳосил қилишга эришилади, яъни иссиқхонадаги майсазорни яратишга жойга кўчириб етказишнинг вақти келади. Буюртмага қараб керакли ҳажмда яшил майдон кесилади ва рулон шаклида ўралади. Майсазор доимий кўчириладиган ер майдони аввал яхшилаб қолиқ қилинади ва ҳамма бегона ўтлардан тозаланиб бир текисда хаскаш билан тупроқ тортилади. Сўнг тайёр майсазор плёнкадан бўшатилиб ётқизилади. Агарда яхши парвариш қилинса, вақтида суғорилиб турилса, тез ора-

дан сўнг яшил гилам ҳосил қилишга эришилади, яъни иссиқхонадаги майсазорни яратишга жойга кўчириб етказишнинг вақти келади. Буюртмага қараб керакли ҳажмда яшил майдон кесилади ва рулон шаклида ўралади. Майсазор доимий кўчириладиган ер майдони аввал яхшилаб қолиқ қилинади ва ҳамма бегона ўтлардан тозаланиб бир текисда хаскаш билан тупроқ тортилади. Сўнг тайёр майсазор плёнкадан бўшатилиб ётқизилади. Агарда яхши парвариш қилинса, вақтида суғорилиб турилса, тез ора-

Боғдорчилик тарихига бир назар

Мингўрик, Чилонзор, Себзор, Олмасор, Бешёғоч, Чўпонота — кўча ва мавзеларда акс эттирилган бу номлар шахримиз тарихида боғдорчилик ва гулчиликка қадимдан эътибор қаратиб келинганлигидан дарак беради.

XVIII-XIX асрларда қадимий Тошкент кўчаларининг торлиги туфайли кўкаламзор торлиги нисбатан кам бўлган. Аҳолининг бу борада эҳтиёжи хонадон ҳовлиларида ўсадиган мевали дарахтлар ва узумзорлар ҳисобига қондирилди. Шу қаторда анъанавий чойхоналар ҳам асосан ҳовулар ёки катта ариқлар олдиди, мажнунтол сояси остида жойлашган бўлиб ва райхондан иборат гулзорлар барпо қилинган. Шу билан айтиб ўтиш жоиз, ўша кезларда шаҳар ва унинг атрофида сунъий суғориш усулидан кенг фойдаланилган, масалан, хонадонларга сув чархпалаклар орқали келтирилган.

XIX асрнинг иккинчи яр-

мида шаҳарда қурилиш ишлари фаоллашган бўлса ҳам, аммо кўкаламзорлаштириш масаласи ҳануз четда қолаверган. Лекин хонадон эгалари илгари ичкари ҳовлига дарахтлар эккан бўлса, эндиликда уйи олдидиларини ҳам обод қилиб, турли дарахт ва кўчатлар ўтказа бошлаган. Шу ерда айтиб ўтиш лозимки, бу борада аниқ тизим мавжуд бўлмагани сабабли ҳар ким хоҳлаганича, ким нимани маъқул кўрса, шунга қараб ҳаракат қилган.

XX асрнинг бошларида шаҳар ҳокимлиги томонидан бу йўналишда тартиб ўрнатишга киришилган бўлиб, кўчаларда экилиши мумкин топилган дарахт ва кўчатлар юзасидан алоҳида

рўйхат ҳам қарор билан тасдиқланди. Ўша пайтларда Тошкентда каштан, эман, чинор, қайин, бальзамин тераги, клён, липа, акация каби манзарали дарахтлар қаторида ёнғок, олма, нок кўчатларини ҳам экиш мумкин эди. Бироқ, шаҳар шароитида бу дарахтларни етиштириш масаласи ҳали ҳал этилмаганди. Биргина шаҳар чегарасида жойлашган таниқли олим Р. Шредер бошчилигидаги Туркистон кишлок ҳўжалик станцияси (ҳозирда Шредер номидаги боғдорчилик ва узумчилик илмий-тадқиқот институти) орқали катта шаҳар эҳтиёжи бироз бўлсада мевали дарахтлар бўйича қондирилган.

Манзарали дарахтлар


кўчатлари ўша пайтда энг йирик ҳисобланган Самарқанд маданий ўрмончилик ҳўжалиги ҳамда Эски Марғилон, Қўқон, Наманган кичик ҳўжаликларида келтирилган. Эман, чинор, липа, каштан кўчатлари жуда қимматбаҳо бўлгани боис, уларни асосан мансабдор, бой кишилар ҳовлисида, шунингдек, биринчи ташкил қилинган ҳозирги Амир Темуру ҳиёбони, Шароф Рашидов шохқўчаси атрофида, Санъат музейи орқа томони, Хоразм кўчасидаги ҳиёбонларда учратиш мумкин эди.

XX асрнинг бошида Тошкентда унта жамоат боғлари ва ҳиёбонлар мавжуд эди, уларнинг майдони эса 50 гектарга тенг бўлган. Пойтахтимизда мевали дарахтлар кўчатлари етиштириладиган ҳўжалик 0,8 гектардан иборат бўлиб, Қўқча даҳасида жойлашган. Лекин бу ҳақда аниқ маълумотлар манбаи сақланб қолинмаган...

ЎСИМЛИКЛАР ДУНЁСИ

ШУМТОЛ

Шумтол (ясенъ) улкан дарахтлар қаторига қиради, табиий ҳолда бўйи — 40 метр, эни — 1-1,5 метргача боради. 200-250 йил умр кўради. Чиройли шохлайди, танаси оч



жигаранг. «Инжик» эмас, ўтказилгандан сўнг тез орада қаддини ростлаб, бемалол ривожланади. 20-40 йилдан сўнг ҳам йилига 1,5 метргача ўсиш қобилиятига эга. Илдиз тизими мустаҳкам, кенг ёйилган, шу боис қуруқликка ҳам дош беради: лекин шўр ерлар, соя жойларга мослашиши оғир. Шумтол Ўзбекистон иқлими — совуқ-иссиққа чидамли, касалликка дучор бўлмайдиган дарахт ҳисобланади. Эман дарахтига ўхшаб кетади.

Пойтахтда 100 йилдан кўпроқ умр кўрган шумтоллар мавжуд. Шумтол кўчатларини ўтказиб-гандан баланд иморатлардан йироқда, акс ҳолда ёруғликка интилган шумтолнинг танаси бир текисда эмас, бир томонга оғиб ўсиши мумкин.

Ўзбекистонда шумтолнинг 10 дан зиёд турлари мавжуд. Жумладан, оддий шумтол — Европа флораси вакили, сўғдиёна тури — Осиёга, қолганлари — Шимолий Америкага таллуқли. Қўкаламзорлаштиришда энг чиройли тез ўсадиган шумтолнинг оддий ва оқ турлари алоҳида ўрин тутadi.

ЗАРАНГ

Ўзбекистонда бу дарахтнинг асосан шимолий Америкада ўсадиган шумтол баргли тури кенг тарқалган. Биринчи йилларда зарангнинг



бундай тури тез ўсади, лекин шаҳар шароитига унча чидамли эмас, киш-куз мавсумида совуқ ва шамолга таъсирчан, ёзнинг жазирема кунларида барглари тез сарғаяди. Ҳўжаликларда зарангнинг бундай тури ўрнига манзарали навларини етиштириш маъқулроқ бўлар эди. Масалан, барглари узун ёки қумуш зарангнинг бўйи 15-25 метргача боради. Зарангнинг паст бўйли навлари ҳам мавжуд. Улар соя жойларда ҳам ўсаверади.

Тошкент, Самарқанд, Андижонда бундан 100 йил аввал ўтказилган заранг дарахтлари мавжуд.

«Тошкент оқшоми»

ХУҚУҚИЙ
МАСЛАХАТХОНАСИ**Қонунга ҳурмат ва итлоаткорлик – ҳаёт мезони**

(Кундалик ҳаётда учрайдиган айрим ҳуқуқий масалалар юзасидан 180 саволга 180 жавоб)

(Давоми. Боши газетанинг ўтган сонларида)

106. Олди-сотди шартномаси билан боғлиқ давлоларни судга тақдим этиш тартиби қандай?

Бундай давлолар низолашилаётган кўчмас мулк турган жойдаги судга тақдим этилади ва бунинг учун кўчмас мулкнинг баҳосига фоиз нисбатига давлат божи тўланади. Даво аризасига тарафларнинг ўзаро келишуви асосидаги, яъни нотариал тасдиқланмаган олди-сотди шартномасининг нусхаси, сотиб олувчи билан сотувчи ўртасидаги ўзаро ҳисоб-китоблар ҳақидаги тилхат, шартномани нотариал идорада расмийлаштириш имконияти бўлмаганлигини тасдиқловчи далиллар, сотиб олувчи кўчмас мулкка нисбатан егаллик ҳуқуқига киришганлиги, бинобарин сотиб олинган турар жойда яшайётганлиги ҳақидаги маълумотнома (далолатнома) илова қилинади.

Далолатномалар белгиланган тартибда тасдиқланган, яъни камида уч кишининг, шу жумладан фуқаролар йиғини раҳбарияти, уй қўмитаси аъзоларининг имзоси ҳамда гербли муҳр билан тасдиқланган бўлиши лозим.

107. Квртирани, уйни сотиш шартномаси низога сабаб бўлган тақдирда кўпроқ нималарни назарда тутиш керак?

Квртирани, уйни сотиш шартномаси, шунингдек квртирани, уйни ҳада қилиш, айирбошлаш шартномалари қуйидагилардан бири, хусусан:

- квртира, уй мулкдорининг ўзи томонидан;
- мулкдорнинг оила аъзоси бўлган манфаатдор шахс томонидан;
- даъволашилаётган шартнома қаратилган турар жойдан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлган шахс томонидан;
- даъволашилаётган топшириш шартномаси билан ҳуқуқ ва манфаатлари бузилган шахс томонидан суд тартибида даъволашилади.

Даво аризасига турар жойга бўлган ҳуқуқни белгиловчи барча ҳужжатлар, бошқа шахсга топшириш тўғрисидаги даъволашилаётган шартнома ва битимнинг ҳақиқий эмаслигини асословчи бор далиллар илова қилинади.

Кўчмас мулкка доир битим суд томонидан **Фуқаролик кодексининг 113 – 128-моддаларида** белгиланган қоидаларга биноан ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин.

108. Автомототранспорт воситалари олди-сотди шартномасининг ўзига хос жиҳатлари борми?

Автомототранспорт воситаларининг олди-сотдиси ҳам юқорида айтилган нормалар татбиқ этилади.

Қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим бўлган автоматотранспорт воситаларининг олди-сотди шартномаси нотариал тасдиқланган бўлиши керак (**Фуқаролик кодексининг 386-моддаси**). Бундай воситаларни айирбошлаш, ҳада қилиш, ижарага бериш шартномаларида ҳам шунга амал қилинади.

4.2. Ҳада шартномаси**109. Ҳада шартномаси деганда нима тушунилади?**

Ҳада шартномасига мувофиқ бир тараф (ҳада қилувчи) бошқа тарафга (ҳада олувчига), **биринчидан**, ашёни, кўчмас мулкни, шу жумладан автоматотранспорт воситаларини текинга мулк қилиб беради ёки бериш мажбуриятини олади ёхуд, **иккинчидан**, унга ўзига ёки учинчи шахсга нисбатан мулк ҳуқуқини (талабини) беради ё бериш мажбуриятини олади ёкинчи, **учинчидан**, уни ўзи ёки учинчи шахс олдидаги мулкни мажбуриятдан озод қилади ёкинчи озод қилиш мажбуриятини олади.

Ашё ёки ҳуқуқ муқобил берилганида ё бўлмаса, муқобил мажбурият мавжуд бўлганида шартнома ҳада деб тан олинмайди.

Фуқаролик кодексининг 504-моддасида белгиланганидек, кўчмас мулкни ҳада қилиш шартномаси нотариал тасдиқланиши ва давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим.

Ҳада қилиш билан боғлиқ ҳуқуқий муносабатлар олди-сотдига тааллуқли ҳуқуқий муносабатлардан ортиқча фарқ қилмаслиги сабабли **бу хусусда муфассалроқ билиш учун 103 – 108-саволларнинг жавобига қаранг.**

(Давоми бор)

• ТАНЛОВЛАР**ҲАМШИРАЛАР КУЧ СИНАШДИ**

Сўзи ширин, меҳри дарё дардга даво ҳамшира, Дилга ором берувчисан, қалбга даво ҳамшира. Ҳамшира сўзини эшитибок кўз олдимизда оқ халатли, мулойим, очик чехрали тиббиёт ходимлари намёнён бўлишади. Ўз касбига меҳр қўйган жонкуяр ҳамширалар беморлар дардига малҳам бўлиб, доимо олқиш ва дуо олиб келишмоқда.

Кўни кеча шаҳримиздаги Республика шошилич тиббий ёрдам илмий марказида «Ҳамшира шошилич тиббий ёрдам-2003» кўрик-танлови бўлиб ўтди. Ушбу илмий марказнинг асосий вазифаси республикамизнинг барча минтақаларини ва аҳоли-

нинг барча табақаларини давлат томонидан кафолатланган белул ва сифатли шошилич тиббий ёрдам хизмати билан қамраб олишдир. Ушбу тизим бир неча бўғинлардан иборат бўлиб, уларга раҳбарлик вазифаси Республика шошилич тиббий ёрдам



илмий марказига юклатилган. Мамлакатимизнинг барча вилоят марказларида ва Нукус шаҳрида илмий марказнинг 12 филиали ташкил қилинган.

Ушбу танловда барча вилоятларда ўтказилган «Ҳамшира-2003» кўрик-танловининг ғолиблари иштирок этдилар. Қизлар танловининг бешта шартли бўйича, яъни — танишуви, амалиётда билимларини синаш, шошилич тиббий ёрдам соҳасига оид ҳамда бугунги кундаги сиёсатимизга доир саволларга жавоб, шунингдек, эркин мавзудаги чиқишлари билан бор билим ва маҳоратлари, зукко ва доноликларини намёнён этдилар. Соғлиқни сақлаш тизимидagi нуфузли ҳакамлар хайъати аъзолари танлов иштирокчиларининг ҳар бир чиқишларини муносиб баҳолаб бордилар. Танлов сўғида ғолиблар аниқланди. Биринчи ўринга шаҳримиздаги Республика шошилич тиббий ёрдам илмий марказининг ҳамшираси Лилия Макаренко ҳамда Фаргона вилоятининг ҳамшира Икболлой Юнусова муносиб деб топилдилар. Ғолибларга ва танлов иштирокчиларига ҳошимлар томонидан қimmatбахо совғалар топширилди. Тадбирда янграган кўноқ куй-қўшиқлар, жозибали рақслар кечага янада файз киритди.

Дилором ИКРОМОВА
СУРАТДА: кўрик-танловдан
лавҳа.

Алексей Попов
олган сурат.

• ТАЪЛИМ МАСКАНЛАРИДА**Илк қалдирғочлар**

Бугунги кунда ўрта махсус ўқув юртлари битирувчилари хайрлашув кечаларини ўзига хос усулда нишонлаб, олий ўқув юртлари томон ошиқишмоқда.

Ўзбекистон Миллий университети қошида 1999 йилда Собир Раҳимов номидаги академик лицей ўз фаолиятини бошлаган эди. Кўни кеча академик лицейнинг илк қалдирғочлари ҳаяжонли ва унутилмас хайрлашув онларини нишонлашди.

Ҳозирда лицейнинг 44 нафар битирувчиси республикамиздаги турли олий ўқув юртларига ҳужжатларини топширишга ҳозирланмоқда.

Мазкур лицейга ўрта мактаблардан иқтидорли ўқувчилар танлов асосида қабул қилинган эди. Академик лицей ижтимоий гуманитар, табиий ва аниқ фанлар йўналишида мутахассисликлар тайёрлайди. Шу йиллар мобайнида академик лицей ўқитувчи ва ўқувчиларидан бир нечтаси Америка, Жанубий Кореяда бўлиб ўз малакаларини ошириб қайтидилар. Ўқув юртида 10 дан ортиқ фан номзодлари, 2 та фан доктори дарс бермоқда.

Ушбу ўқув масканида янги педагогик технологиялар қўлланилиб, интер-фаол усулда дарс бериш бўйича тажрибалар олиб борилди. Хорижий мамлакатлар олий ўқув юртлари, жумладан Греция, Америкадан келган ўқитувчилар жорий йилда тажриба алмашиш йўли билан лицейда ўқувчиларга сабоқ бердилар.

— 2003 йилнинг 28 майи ўқув юрти ҳаётида ўчмас из қолдирди, десам муболага бўлмайди, — дейди мактаб директори, физика-математика фанлари номзоди, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган халқ таълими ходими Баҳодир Йўлдошев. — Чунончи бу кун барча талабаларимизга ўрта махсус таълим олганликлари тўғрисидаги дипломлар топширилди. Ўқитувчилар ва ота-оналар уларга оқ йўл, юксак парвозлар тилаб қолишди.

Академик лицей жорий йилда 250 нафар талаба қабул қилишни режалаштирган.

Гулчехра ДҮРДИЕВА

Янги дарслик чоп этилди

Республикамизда трикотаж технологиясини ривожлантириш йўлида кўрилайётган тадбирлар яхши самаралар бермоқда. Бу эса шу соҳанинг малакали мутахассис қадрларига бўлган талабини ошириб юборди.

Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти ана шу муаммони ижобий ҳал этиш юзасидан муҳим тадбирларни кўрмоқда. Олий ўқув юртининг трикотаж технологиясини ва дизайн кафедрасининг ўқув-моддий негизи янада мустаҳкамланди.

Кафедра олимлари изланишлари билан трикотаж технологиясини бўйича дарслик ва ўқув қўлланмаларини яратишга ҳам киришдилар. Профессор М. Муқимов томонидан ёзилган «Трикотаж технологияси» дарслиги

эса яқинда чоп этилди.

«Ўзбекистон» нашриётида босилган бу янги дарслик ўзбек тилида биринчи марта юзага келган ўқув адабиёти сифатида ҳам диққатга сазовордир.

Дарслик мазмунан «Тўқимачилик саноати махсусотлари технологияси» йўналиши бўйича бакалаврлар, «Трикотаж ишлаб чиқариш технологияси» мутахассислиги бўйича магистрлар ўқув дастурига асосланган нашр этилди.

Ақбар АЛИЕВ

Матновлар

Болалар — жамият негизи

Келажагимиз ворислари бўлмиш болаларни асраб-авайлаш, уларни маърифатли, зукко билимдон қилиб тарбиялаш ҳар биримизнинг бурчимиздир.

Яқинда Сергели туманидаги 589-болалар боғчасида «Болалар — жамиятнинг негизидир» мавзусида иқтидорли болалар танлови бўлиб ўтди.

Туман «Маънавият ва маърифат» бўлими томонидан ташкил этилган, мазкур тадбирда боғчанинг 100 дан ошқ жажжи болажонлари иштирок этишди. Болалар, интеллектуал қобилиятлари, эркин фикрлаш қараёнларини, чизган расмларини изоҳлаб бердилар. Шунингдек шеър, қўшиқ айтиш иқтидорларини ҳам намойиш қилдилар.

— Болалар борлиқнинг гўзаллигини қанчалик теган англасалар, уларнинг тафаккури, онги шунчалар маънан бой ва ақлан юксак бўлиб бораверади. Болаларнинг маънавий жиҳатдан баркамол бўлишида, маънавий-маърифий етуқликни ташкил этиш борасидаги ана шундай танловларни ўтказиб туриш жуда муҳим аҳамият касб этади, — дейди «Маънавият ва маърифат» маркази Сергели туман бўлими раҳбари Шавкат Ибрагимов. — Буғунги тадбирда яхшилик ва ёмонлик, одоб ва ахлоқ меъёрлари, катталарга ҳурмат, табиатни севиш, ҳайвонот олами тушуниш борасидаги саҳна кўринишлари кичкинтойлар томонидан маҳорат билан ижро этилди.

Танлов давомида янграб турган куй ва қўшиқлар кечанинг янада жозибали ўтишини таъминлади. Унинг иштирокчилари ширинликлар ва совғалар билан тақдирландилар.

Гулчехра ДАВЛАТОВА

Қутлуғ сана олдидан

Ўрта Осиёда дастлабки олий ўқув юрти сифатида ташкил топган Ўзбекистон Миллий университети ўзининг 85 йиллик тўйига катта тарадууд кўрди. Шу сана олдидан бир нечта янги ўқув адабиётлари босмага тайёрланди.

Биргина магистратура мутахассисликлари бўйича ёзилган дарслик ва қўлланмалар сони ўн тага яқинлашиб қолди. Физика фани йўналишидан «Электрон асбоблар», «Лазер физикаси», «Микроэлектроника асослари» қўлланмалари шулар жумласидан.

Бундан ташқари «Полимерлар кимёсидан практикум» дарслиги, «Органчик бирикмаларнинг тузилиши ва реакция қобилияти» ўқув қўлланмаси чоп этилди.

Университет юбилейига бағишланган ўтказилаётган энг яхши тадқиқотлар танловида голиб деб топилган илмий изланишлар алоҳида тўплам қилиб чиқарилади.

Анвар АЛИБОВ

• ФУТБОЛ

Биринчи давра якунланди

Футбол ишқибозларини уч ой давомида ҳаяжонга солган мамлакат XII миллий чемпионатининг олий лига жамоалари ўртасидаги биринчи давра учрашувлари ниҳоясига етди.

Авалло шунга таъкидлаш жоизки, жорий йилги мавсумда пойтахтимиз шарафини ҳимоя қилаётган «Пахтакор» ҳозирча 15 турни мағлубиятсиз иккинчи ўрин билан яқинлади. «Пахтакор»чилар 13 учрашувда галаба нашидасини суришга муваффақ бўлган бўлсалар, бор-йўғи иккитагина уйинда рақиблари билан муроса йўлини танлашди. Аммо ана шу иккита дуранг тошкентликларга қимматга тушди. Яъни Агамуродов шогирдлари биринчи даврани «Нефтчи»дан 1 очко ортда қолган ҳолда иккинчи ўрин билан ниҳоясига етказишди. Тўплар нисбати 45:12.

Шаҳримизнинг бошқа клубларга «ноқулай» ҳисобланган яна бир жамоаси — «Трактор»нинг эса омади чопмапти. Чунки тракторчилар 8 марта майдондан «бош эгиб» чиқилди. Бор-йўғи 3 марта галабага эришган Вячеслав Томилин шогирдлари тўрттагина учрашувда дуранг натижа қайд этишди ҳолос. Илгарилари турнир жадвалининг 10-погонасини мустаҳкам эгаллайдиган «Трактор» жамоаси ҳозирча ўн туртинчи ўринда бормоқда. Уйлаймизки, иккинчи даврада тракторчилар йўл қўйилган камчиликлардан тўғри хулоса чиқарадилар ҳамда ишончли галабаларга эришиб ўз мухлислари кўнглини шод этадилар.

Биринчи даврада юқорида таъкидлаганимиздек, Фарғона-



нинг «Нефтчи» жамоаси 42 очко билан турнир жадвалида пешқадамлик қилаётган бўлса, «Кизилқум» футболчилари учинчи погонани 32 очко билан забт этиб туришибди. Дарвоқе, шу кунгача рақиблар дарвозасини 17 марта ишгол қилган «Нефтчи» жамоасининг моҳир футболчиси Анвар Бердиев тўпурақлар орасида пешқадамлик қилмоқда. Шунингдек, фарғоналикларнинг яна бир умидли ҳужумчиси Умид Исоқов ҳам дарвозабонларни 10 марта доғда қолдириб, ушбу баҳсда учинчи ўринни эгаллаб турибди. Албатта, ким чемпион бўлади деган саволга жавоб беришга ҳали эрта. Биринчи даврада етакчи жамоалар «Пахтакор» ва «Нефтчи» Тошкентда куч синашишган ҳамда 1:0 ҳисобида тошкентликларнинг қўли билан қелганди. Энди азалий рақиблар Фарғонада галаба учун астойдил тўп сурадилар. Назаримизда, ана шу ўйин XII чемпионат голибчи совриндорларини аниқлаб беради чоғи. Буни энди вақт кўрсатади.

Турнир жадвалининг 4, 5, 6-погоналарини эгаллаб турган «Насаф», «Сурхон», «Навбахор» жамоаларида ҳам совринли ўринлар учун курашиш имконияти бор.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, иккинчи даврада ҳали ишқибозлар ажойиб ўйинлар гувоҳига айланишади деб ўйлаймиз. Энди эътиборингизга турнир жадвалини ҳавола этамиз.

| Жамоалар | Ў | Ю | Д | М | Т-Н | О |
|-----------------------------------|----|----|---|----|-------|----|
| 1. «Нефтчи» (Фарғона) | 15 | 14 | 0 | 1 | 43-9 | 42 |
| 2. «Пахтакор» (Тошкент) | 15 | 13 | 2 | 0 | 45-12 | 41 |
| 3. «Кизилқум» (Зарафшон) | 15 | 10 | 2 | 3 | 30-13 | 32 |
| 4. «Насаф» (Қарши) | 15 | 9 | 2 | 4 | 30-17 | 29 |
| 5. «Сурхон» (Термиз) | 15 | 7 | 3 | 5 | 19-22 | 24 |
| 6. «Навбахор» (Наманган) | 15 | 6 | 5 | 4 | 24-17 | 23 |
| 7. «Дўстлик» (Тошкент вилояти) | 15 | 6 | 3 | 6 | 18-22 | 21 |
| 8. «Машъал» (Муборак) | 15 | 6 | 2 | 7 | 22-17 | 20 |
| 9. «Самарқанд-Динамо» (Самарқанд) | 15 | 5 | 1 | 9 | 20-25 | 16 |
| 10. «Андижон» (Андижон) | 15 | 3 | 5 | 7 | 14-17 | 14 |
| 11. «Бухоро» (Бухоро) | 15 | 4 | 2 | 9 | 21-26 | 14 |
| 12. «Металлург» (Бекобод) | 15 | 4 | 2 | 9 | 18-33 | 14 |
| 13. «Цементчи» (Кувасой) | 15 | 3 | 4 | 8 | 17-29 | 13 |
| 14. «Трактор» (Тошкент) | 15 | 3 | 4 | 8 | 17-37 | 13 |
| 15. «Гулистон» (Гулистон) | 15 | 4 | 1 | 10 | 12-33 | 13 |
| 16. «Кўқон-1912» (Кўқон) | 15 | 4 | 0 | 11 | 17-38 | 12 |

Ақбар Йўлдошев

• ДИҚҚАТ, ЯНГИЛИК!

2003 йилнинг Обод маҳалла йили деб эълон қилиниши ва Болалар спортини оммавий спортга, уни ривожлантиришни оммавий ҳаракатга айлантириш борасида кенг қўламдаги ишлар амалга оширилаётгани муносабати билан Тошкент шаҳри ҳудудидаги маҳаллаларда фаолият кўрсатаётган маҳалла фуқаролар йиғини Кенгаши, профилактика инспекторлари, «Маҳалла посбони» жамоат тузилмалари, педагог-тарбиячилар ва бошқа жамоат тузилмалари ҳамкорлигини янада ошириш, маҳаллаларда истиқомат қилаётган вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасида содир этилаётган ҳуқуқбузарлик ва жиноятларнинг олдини олиш, маҳалла болаларини ёзги таътил пайтида бўш вақтларини мазмунли ўтказиш мақсадида Республика «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар бўлимининг ташаббуси билан «Маҳалла ёшлар тарбиячиси» маркази қошида «Камалак» маркази етакчилари иштирокида «Кўчма оммавий спорт» гуруҳи ташкил этилди.

КЎЧМА ОММАВИЙ СПОРТ ТАДБИРЛАРИ

Янги гуруҳнинг асосий мақсади Тошкент шаҳри ҳудудидаги маҳаллаларда ишлаб чиқилган жадвал асосида оммавий спорт турлари бўйича турли тадбирлар ўтказиш билан бир қаторда, уларни тарғиб этиш йўли билан маҳаллаларда имкони борича спорт тўғрисидаги ташкил этишга қаратилгандир.

Куни кеча Шайхонтоҳур туманидаги «Гулбод» маҳалласи ҳудудида ташкил этилган спорт майдончасида «Кўчма оммавий спорт» гуруҳи томонидан оммавий спорт тадбирлари ўтказилди. Унда Шайхонтоҳур туманидаги «Боккўча», «Гулбозор», «Чорсу» ва «Сарҳумдон» маҳаллаларида истиқомат қилаётган вояга етмаганлар ва ёшлар ўз маҳаллаларининг педагог-тарбиячилари билан биргаликда иштирок этишди.

Шунингдек, ана шундай тадбир туманда-

ги «Шайхонтоҳур» маҳалласида ҳам ўтказилиб унда «Жангоҳ», «Кохота», «Лабзак» ва «Ўрда» маҳаллалари қатнашган бўлса, «Янги Камолон» маҳалласида эса «Янгибод», «Камолон», «Катта боғ» ва «Эшонгузар» маҳаллаларида истиқомат қилаётган вояга етмаганлар ва ёшлар ўз маҳаллаларининг педагог-тарбиячилари билан спорт мусобақаларида ўз маҳоратларини намойиш этишди.

— Ушбу тадбирнинг жонли ва кизиқарли, ёшларнинг бажонидил иштирокида ўтаётганлиги кишини қувонтиради, — дейди «Камолот» ЕИХ Тошкент шаҳар бўлими қошидаги «Маҳалла ёшлари тарбиячиси» маркази раиси Нарғиза Тўхтаева. — Демак шундай спорт мусобақалари тез-тез ўтказилиб турилиши керак.

Шоира МУҲАМЕДОВА

«Пахтакор» — финалда

ЎТГАН КУНИ

футбол бўйича Ўзбекистон Кубоги ярим финал баҳсларининг такрорий учрашувлари бўлиб ўтди.

Пойтахтимизнинг бош жамоаси «Пахтакор» ўз майдонида Термизнинг «Сурхон» командаси билан куч синашди. Дастлабки беллашувда термизликларга 1:2 ҳисобида имкониятни бой берган тошкентлик футболчилар ажойиб ўйин намойиш этиб, рақибларини 7:1 ҳисобида доғда қолдиришди. Мухлисларни ҳаршуд этган тўпларни дарвозаларга Тожиев 25, 82, 89-дақиқаларда (3 та), Қосимов 53, Бикмаев 78, 86 ва Солиев 79-дақиқада («Пахтакор»дан, Хасанов 34-дақиқада («Сурхон»дан киритишга муваффақ бўлишди. Энди пахтакорчилар биллур соврин соҳиби бўлиш учун куч синашиш имкониятига эга бўлишди.

(Ўз муҳбиримиз)

Шарқ дурдоналари

Оз-оз ўрганиб
Домо бўлар...

● Буюкликка энг яқини ҳалолликдир.
● Агар одам ҳалолликдан юз ўгирса, шу қадар беҳисоб, ярамаст иллатларга берилиб кетадики, оқибат натижада ҳаётнинг нопок йўлларида юришга одатланиб қолади.

● Ҳалоллик ҳар қандай мартабани бегайди.

● Пасткаш таъмагириқдан кўра жазони афзал кўр, чунки жазо бир марта, таъмагириқ эса умрбод дилни сиёҳ қилади.

ХИКОЯТ. Кунлардан бир куни бир киши ўралиб, муҳрланган бир халтачани дўстининг ҳузурига келтириб:

— Дўстим, мен сафарга чиқиб кетаётиман. Ичида минг олтин бўлган шу халтачани сенга омонатга топшираман, сафардан қайтиб келганимдан сўнг оламан, — деб халтачани топшириб ва ўша куни сафарга чиқиб кетди. Сафари узок вақтга чўзилди.

Дўсти омонатга хиёнат қилиб, халтачанинг бир томонини сўқди, олтинларни олиб тангалар билан тўлғади, сўқилган жойини ҳеч ким билмайдиган қилиб тикиб қўйди.

Орадан 10 йил ўтгандан кейин омонат эгаси сафардан қайтиб келиб, дўстидан қўйган омонатини талаб қилди. Дўсти халтачани чиқариб берди, омонат эгаси халтачани очиб тангаларни кўргач, ҳайрон бўлиб дўстидан:

— Халтача ичидаги олтинларим қани? Нега тангалар билан алмаштирилган? — деб сўраганида, дўсти инкор қилиб:

— Халтачанг нима солиб қўйган бўлсанг шундай турибди, қараб кўр, бошган муҳринг ҳам бузилмаган, тагин нима даъво қиласан? — деди.

Омонат эгаси халтачани олиб шаҳар қозисининг ҳузурига бориб воқеани баён қилди. Қози жуда ақлли ва тadbирли одам эди. У дарҳол хиёнатчи дўстини қақриб олиб, омонат эгасини шикоятини айтди. Хиёнатчи дўст инкор этишда давом этди.

— Омонат қўйганингга неча йил бўлди? — деб сўраган эди, у киши омонат қилиб топширганига ўн йил бўлганини айтди. Қози ҳамма тангаларнинг босилган йилларига кўз ташлади. Тангалар босилганига 2-3 йилдан ортқ бўлмаган эди. Қози хиёнатчи дўстга тангаларнинг босилган йилларини кўрсатган эди, у шарманда бўлиб қилган айбига иқдор бўлишга мажбур бўлди. Тадбирли, фаросатли қози олтинларни хиёнатчидан олиб, эгасига топширди.

Қозининг буйруғи билан хиёнатчи дўстини эшакка тескари миндиридилар. «Омонатга хиёнат қилган кишининг жазоси шундай бўлади», деб қичқириб шаҳар кўча ва бозорларни айланттиридилар.

Байт:
Ёлгон бевиқор қилур

одамни,

Ёлгон шармисор қилур

одамни.

● Фақат ўзини ўйлайдиган ҳамма нарсадан ўзига манфаат излайдиган одам бахтли бўлолмайди. Ўзинг учун яшамокни истасанг, бошқалар учун яша.

• САНЪАТ

КОРЕЙС РАССОМЛАРИ
КЎРГАЗМАСИ

Ўзбекистон Бадий академияси марказий кўргазмалар залида республикамизда яшаётган корейс рассомлари асарлари кўргазмаси намоиши давом этмоқда. Кўргазмадаги икки юзга яқин асарлар орасида Кореядан келтирилган айрим кичик ҳажмдаги манзаралар ҳам ўрин олган. Улар орасида республикамизда яшаётган истеъдодли корейс рассомлари ижоди ҳар томонлама пухталиги, жошибалиги билан киши диққатини тартади.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки мамлакатимизда корейс халқи билан дўстона, ҳамкорлик алоқалари яратилган. Бу халқ меҳнаткаш, ишбилармон, хунарманд, маданиятли, дўстга содиқлиги билан меҳр қозонган. Шаҳримизда корейс маданият маркази фаолият олиб бораётгани, улар тилини биз, бизнинг тилимизни улар ўрганаётгани сир эмас. Корейс рассомларининг асарлари Ўзбекистон Давлат санъат музейида ҳам мавжуд.

Кўргазмада Ўзбекистон халқ рассоми Николай Шин сулоласига тегишли ва бошқа рассомларнинг асарлари намоишига қўйилган бўлиб, санъат мухлисларида катта қизиқиш уйғотмоқда.

Николай Шин танлаган мавзу тарихий, озодликка эришиш, дўстлик-биродарлик, замондошлари қиёфалари бўлса, сулола ижодларида республикамиз табииати мафтунлик, кўпроқ манзарога мойиллики сезамиз. Яратган асарларини кўриб, гўзалликка бойлиги, бегуборлигидан мамнун бўламиз. Светлана Шин «Атиргуллар», «Баҳор атиргуллари», «Булоқ» асарларини яқиндагина яратибди. Бу

тасвирларида мусаффо ҳаёт руҳи, бегуборлик уфуриб турибди. Искра Шин эса Янгиобод мафтунли. «Баҳор шабадаси», «Олма дарахти», «Тоғларда гуллаш фасли», «Зарғалдоқ дараси», «Олдузли тунлар» номли туркум асарларини яратиб, Янгиободнинг сўлим қиёфасини мўйқаламда чизиб, сўлим кўришларини акс эттирибди. Оля Шин шу мавзуни «Гулсафсар», «Настарин» натюрмортлари билан тўлдирди.

Кўргазма асарларига истеъдодли мусаввир Анатолий Лигаи «Хаёт ҳақида ўйлар», «Куз», «Уйингизга тинчлик» асарлари билан хотима беради. Ёрқин ранглар орқали шу кунги турмушимизни маҳд этган. Ҳа, мақсад бегубор яшаш, энг муҳими тинчлик.



Махмуд АХМЕДОВ,
Ўзбекистон Бадий академияси

Ижодкорлар уюшмасининг аъзоси, санъатшунос.
СУРАТДА: Николай Шин ижодига мансуб ушбу асарда ўзбек аёли тасвирланган.

• МАСЛАҲАТЛАР

ҚЎЛ-ОЁҚ НЕГА
ШИШАДИ

Кечкурун уйкуга ётиш олдидан кўп суюқлик ичиш шиш пайдо бўлишининг асосий сабабларидан бири. Қулупнай, шоколад, асал, балиқ ва бошқа маҳсулотлар истеъмол қилганда ёки ноқулай ҳолатда — бошга ёстиқча паст қўйиб ухлаганда ҳам қўл, оёқлар шишади. Шиш буйрак, юрак касалликлари оқибатида ҳам бўлиши мумкин.

ХУРРАКНИНГ ДАВОСИ

Уйкуда оғиздан нафас олганда ҳаво

оғиздан бурун — халқумга ўта туриб юмшоқ танглайни тебратди, натижада одам хуррак отади. Хуррак отаётган пайтда одам бошқа ёнбошга ағдарилиб олганда хуррак кўпинча тўхтайдди. Хуррак отмаслик учун қўйидаги оддий табдирни қўллаб кўринг: кечкурун ётишдан олдин газламанни ёстиқча шаклида бир неча қават қилиб қаттиқ буклаб олинг-да, энсага қўйинг, устидан доқа билан бошингизга қўшиб боғланг. Шундай қилсангиз, чалқанча ётолмайсизда, ёнбошлаб олишга мажбур бўласиз. Агар бу усул ҳам ёрдам бермаса, шифокорга мурожаат қилинг. Бурундан меъёрда нафас олишни тиклаш учун баъзан тиббий муолажа олишга тўғри келади.

• «02»

Доғда қолишди

Орамизда нопок йўллар орқали мўмай даромад орттиришни ўз олдиларига мақсад қилиб қўйган инсонлар ҳамон мавжуд. Аммо Ички ишлар ходимларининг тезкор табдирлари натижа-сида улар доғда қолмоқдалар.

Яқинда Тошкент шаҳар ИИББ Жиноят-қидирув бошқармасининг Коррупция, рекет ва товламачиликка қарши кураш бўлими ходимлари томонидан амалга оширилган тезкор табдирлар давомида кимматбаҳо тошлар билан ноқонуний тарзда савдо қилувчи уюшган гуруҳ аъзоларининг қилмиши фош этилди. Мирзо Улуғбек туманида ўтказилган тезкор табдир натижасида Қирғизистондан келиб шахримизда 5/2 карат зумрад тошни 8 минг АҚШ долларига сотмоқчи бўлган уюшган гуруҳ аъзолари қўлга олинди. Бундан ташқари уларни 52 карат рубин кимматбаҳо тошларини ҳам гаёриқонуний равишда олди-сотди қилганликлари ошкор бўлди.

Ҳозирги кунда юқоридаги ҳолатлар юзасидан тергов ҳаракатлари давом этмоқда.

Файзбону РАҲМАТУЛЛАЕВА



Сўзсиз сурат.
Абдурасул Ҳакимов чизган расм.

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪПОНЛАР

Тошкент шаҳар, Сергели туманидаги 300-лицей-мактаб томонидан 2003 йилда Азизбев Феруз Салоҳидинович номига берилган О'Р-А № 1427104 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

• АЖОЙИБОТЛАР

МЕЧКАЙЛАР

Бланкил оролларида яшовчи 23 ёшли Жоано Негрин еб тўймаслар хилидан ҳисобланади. У эртадан нонуштага уч килограмм пиширилган картошка ва беш қадок гўшти паққос туширади. Сўнгра уни танасига бироз сингдириш учун 4 литр маҳаллий пиво ҳамда 1 килограммдан ортиқ мева истеъмол қилганда ўзини тўқроқ ҳис этади.

Тушлик пайтида эса бир ярим литр ванилин, бир ярим кило пиширилган гўшт қиймаси ва 2 кило чўчка гўштини тинчитади. Кечкурун кўпам ошқозонга жабр қилмайди, яъни 3 килогача ҳўл мевани тўйиб ёйди ҳолос.

Бу еб тўймасни кўришдан ўтказишганда, унинг мутлақо соғломлиги аниқланди. Унинг «касал»и фақат меъёрга риоя этмасликдир.

РЕКОРД ҚЎЙДИ

Уганданинг Кахеринг қишлоғида яшовчи 60 ёшли ҳайдовчи Нсерекко гаровда голиб чиқди. У пиширилган 60 та тухумни ярим соат ичида еб тугатди. Газагига эса улкан ананасни афзал кўрди. Сўнг 2 литр мева шарбатини ютоқиб-ютоқиб сиририб ташлади.

— Агар тухумни пўчоғидан тозалаб берувчилар имиллашмаганда бундан ҳам қисқа вақт ичида еб тугатган бўлардим, — деди Нсерекко ўз рекордидан қониқмай.

Оқнор ҲАЗРАТОВ
тайёрлади.



Бош муҳаррир
Акмал АКРОМОВ

Муассис:
Тошкент шаҳар
ҳокимлиги

Манзилимиз: 700000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:

ҳатлар — 133-29-70;
эълолар:
133-28-95, 132-11-39;
факс: (3712) 133-29-09.

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади.
4204 нусхада босилади. Қоғоз битими А-3

Душабба, сешанба, чоршанба,
пайшанба ва жума
кунлари чиқади.

Нашр кўрсаткичи — 563

Газета Ўзбекистон Давлат матбуот қўмитасида 10 рақами билан рўйхатга олинган

Нашрини етказиб бериш масалалари бўйича гурав жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтаси»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишнингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва сақлаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бошқаронаси.
Қорхона манзили: «Буёқ Турани» кўчаси, 41-уй.